ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1124-1128

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ

Феруза Мирзабахрамовна Одашева
Андижон давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳар бир олий таълим муассасасини жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиши, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, талабаларнинг замонавий касбий билимлари ва қобилиятларини ривожлантириш масалалари Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларига мувофиқ олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштиришнинг асосий вазифалари сифатида белгиланди. Шу нуқтаи-назардан замонавий педагогик технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкил этишнинг педагогик механизмларини янада такомиллаштириш муҳим ўрин тутади.

Калит сўзлар: Технология, педагогик технология, касбий билим, тизимли ривожлантириш, замонавий таълим.